2

Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 5 МАРТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 55 (12.868)

Баҳоси эркин нархда

«ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ»

Ўз-ўзидан аёнки, Ўзбекистон Республикасининг ўсувчан тараққиёти, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамияти асосидаги ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш йўлида эришаётган салмоқли муваффақиятлари хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда эксперт доираларида жиддий қизиқиш уйғотмоқда.

Бугунги кунда муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа остонасида, яъни 2015 йилнинг 29 март кунига мўлжалланган Президент сайлови арафасида турган Ўзбекистонга, унинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига нисбатан қизиқиш тобора ортмоқда. Ҳар томонлама изчил тараққиёт кузатилаётган ҳамда фуқаролик жамиятининг роли кун сайин ўсиб бораётган шароитда мамлакатимиздаги сайловолди жараёнлари **хорижий оммавий ахборот воситаларида** кенг ёритилаётгани ана шундан далолат беради.

Шу кунларда «Diplomatic World» ва «Diplomatic Magazine» (Бельгия), «Diplomat» (Буюк Британия), «Diariofinanciero» (Испания), «The Korea Post» (Корея Республикаси), «Sekkai Nippo» ҳамда «Japan News» (Япония), «Гуанмин жибао» (ХХР), «Парламентская газета» (Россия), «The Diplomatic Insight» (Покистон), «Iran Daily» (Эрон), «Times Kuwait» (Кувайт), «Arab News» (Саудия Арабистони Подшоҳлиги) ва **жаҳоннинг бошқа кўпгина нуфузли оммавий ахборот воситалари** мамлакатимизда бўлиб ўтажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳақидаги ахборот материалларини ўз саҳифаларида ёритиб боришмоқда.

Дунёнинг **етакчи таҳлил марказлари ҳамда тадқиқот институтлари** ҳам мустақил Ўзбекистоннинг замонавий ривожланишини катта қизиқиш билан кузатмоқда. Улар республикамизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳақидаги материалларни ўзларининг электрон порталларига жойлаштиришмоқда. Улар орасида Жорж Вашингтон университети (АҚШ), Халқаро сиёсий тадқиқотлар институти (Италия), Шанхай Хорижий тиллар университети (ХХР), Сайлов тизими халқаро экспертлик маркази (Исроил) ва бошқа кўплаб ташкилот ҳамда муассасалар бор.

Мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли натижалари халқаро расмий доиралар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида тан олинган, чуқур ўйланган ва узоқ муддатли ислоҳотлар дастури, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда либераллаштириш, тубдан ва тизимли асосдаги ўзгартиришлар ҳамда модернизациялаш жараёнига **халқаро ташкилотлар вакиллари**, **хорижий мамлакатларнинг давлат арбоблари ва сиёсатчилари** алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Жумладан, **БМТ Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭК) ижрочи котиби ўринбосари Андрей Васильев**нинг фикрича, Президент сайлови Ўзбекистоннинг изчил ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таъминланаётгани ҳамда фуқаролик жамияти мустаҳкамланаётгани шароитида ўтмоқда. «Республика Марказий Осиёда ўта муҳим аҳамиятга эга ва БМТ Европа иқтисодий комиссияси Ўзбекистонни ўзининг муҳим шериги деб ҳисоблагани боис ташкилотимиз минтақалараро алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳамкорликни давом эттиришга тайёрдир», деди у.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Абдулла ибн Абдураҳмон Олим сиёсий тараққиёт, иқтисодий фаровонлик ҳамда ўз хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан Ўзбекистон энг тўғри ва самарали йўлни танлаган, деб ҳисоблайди. Унинг айтишича, республикамизда турли динлар, миллат ҳамда элатлар вакиллари ўзаро тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшаётганини, юртимизда ҳукм сураётган барқарор ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазиятни Ислом ҳамкорлик ташкилоти юқори баҳолайди. Улар жамиятнинг барча соҳасини ривожлантириш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Латвия Республикасининг собиқ президенти Валдис Затлерс фикр билдирганидек, давлат бошқарувида парламентнинг ўрнини изчил мустаҳкамлаб боргани Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўлга киритган энг муҳим муваффақиятларидан бири ҳисобланади. Унинг қайд этишича, фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг юксалишига эришилгани ҳам катта аҳамиятга эга. В. Затлерс республикамиздаги фуқаролик институтларининг фаолиятини юқори баҳолар экан, «Аҳолининг ижтимоий бирлашмаларда қатнашиши мамлакат жамиятининг етуклигидан далолат беради», деди.

Индонезия Республикаси олий таълим, илм-фан ва технологиялар вазири Муҳаммад Носир Ўзбекистон барча соҳада эришган муваффақиятлар юксак эътирофга лойиқ эканлигини таъкидлар экан, мамлакатимизда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, илм-фан тараққиёти ва инновация технологияларини қўллаш учун яратилган қулай шарт-шароитларга алоҳида эътибор қаратди.

(Давоми 3-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



АЁЛЛАРГА КЕНГ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Олий маълумотли мутахассис, бунёдкор ва ижодкор бўлган бугунги Ўзбекистон хотин-қизлари ўзининг меҳнаткашлиги, иқтидори ва салоҳияти билан улкан натижаларга эришмоқда. Айни пайтда улар оила ва жамиятимизда тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашдек масъулиятли вазифаларни ўзининг нозик елкасида кўтариб келмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз ижодий ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, истеъдод ва интилишларини юзага чиқариш учун барча шароит яратиб берилмоқда. Давлатимиз хотин-қизларнинг нафақат замонавий билим олиши, касб эгаллаши ва саломатлигини мустаҳкамлаши, соғлом фарзандларни дунёга келтириши, балки оила ва рўзғор юмушларини енгиллатиш борасида катта ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни мақаллийлаштириш дастури амалга оширилаётгани туфайли юртимизда ҳар бир оиланинг оғирини енгил қиладиган янги авлод маиший техника воситалари ишлаб чиқарилаётир. Ҳолбуки, яқин-яқинларгача оналаримиз ва бувиларимиз нафақат чанг, балки доғларни тозалаб, гиламни ҳам ювадиган чангютгичлар, кирни ўзи ювиб, ўзи дазмоллайдиган автомат кир ювиш машиналари, атиги бир неча дақиқада таомни иситиб берадиган микротўлқинли печлар ҳақида тасаввур ҳам қилмаган.

Илгари фақат орзу қилиш мумкин бўлган бундай маиший техника воситалари бугун ҳар бир оиланинг оддий дастёрига айланди. Бу борада ўтказилган сўнгги тадқиқот натижаларига кўра, айни пайтда мамлакатимизда оилаларнинг 94 фоизи музлатгич, 84 фоизи ошхона электр жиҳозлари, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангютгич ва микротўлқинли печлар, учдан бир қисми эса кондиционерлардан фойдаланмоқда.

Эътиборли томони шундаки, ушбу техникаларнинг аксарияти юртимиз корхоналарида тайёрланмоқда. Бугунги кунда «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси тизимида турли мулкчилик шаклидаги 36 корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўн еттитаси «Shivaki», «Samsung», «Artel», «Sino», «Midea», «TCL», «Panda» савдо белгиси остида ўнлаб турдаги телевизор, музлатгич, кондиционер, микротўлқинли печ, газ ва электр плиталари, чангютгичлар, мобиль телефонлар ишлаб чиқармоқда.

Масалан, пойтахтимиздаги «Eko Elektron» ва «Martensit Investment» шўъба корхоналарида техник кўрсаткичлари ва ранги билан ажралиб турадиган «Artel» газ плиталарининг олти тури – «Comida», «Solana», «Fresco», «Gusto», «Appetito» ва «Maestro» ишлаб чиқарилмоқда. «Dream Production» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш майдонларида «Montana», «Gloriya», «Aurora» русумидаги «Artel» кондиционерлари тайёрланаётир. «White Machine Technology» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ва «Sky Wind Systems» қўшма корхонасида «Samsung» чангютгичлари ҳамда суюқ кристалл экранли «Artel» телевизорларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

– Маиший техника воситаларига талабнинг ортиб бораётгани ишлаб чиқаришни кенгайтиришни тақозо этмоқда, – дейди «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи Хуршид Юсупов. – Хусусан, ўтган йили мамлакатимиз корхоналари томонидан «Artel» бренди остида 70 мингта музлатгич, 160 минг LED телевизори, 100 мингдан зиёд автомат ва ярим автомат кир ювиш машинаси, 65,2 мингта кондиционер, 530 мингдан ортиқ мобиль телефон, 140 мингта чангютгич ва 165 мингта турли ошхона маиший техникалари етказиб берилди. Жорий йилда бу рақамни кўпайтириш режалаштирилмоқда. Негаки, истеъмолчиларимиз сифати ва дизайни бўйича хорижникидан қолишмайдиган, энг муҳими, нархи арзон Ўзбекистон маҳсулотларини афзал кўрмоқда.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясида сайлов жараёнларини кузатиш учун мамлакатимизга келган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг узоқ муддатли кузатувчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

● Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада ошириш ва улар ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинарда фуқароларнинг жорий йил 29 март куни бўлиб ўтадиган сайловда иштироки, ҳуқуқлари, сайловлар бўйича халқаро нормалар, хорижий тажрибалар, мамлакатимизда мустаҳкам миллий сайлов қонунчилиги шаклланган хусусида сўз борди.

● Наманган туманида ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида 80 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса 455 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

● Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Қарийб 900 миллион сўм маблағ ҳисобига бунёд этилган янги бинода маросимлар зали, никоҳни ва туғилишни қайд этиш, нотариус ва архив, келин-куёвлар учун алоҳида хоналар мавжуд. Шунингдек, бинода «Оила мактаби» учун хона, банк кассаси жойлашган.

● Навоийда «Куйла, ёшлигим!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган истеъдодли ёшлар ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Калифорнияда АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ҳар хил мамлакатлардан ҳомиладор аёлларнинг Шимолий Америкага келишига кўмаклашган ноқонуний тармоқни фош этиш учун йўналтирилган рейдлар ўтказилди. Гап шундаки, АҚШ қонунчилигига кўра, ушбу мамлакат ҳудудида туғилган болага АҚШ фуқаролиги берилади. Шу боис фарзанди Америка фуқароси бўлишини хоҳловчи чет эллик аёллар АҚШга туғиш учун келишга ҳаракат қиладилар. Маълумотларга қараганда улар АҚШга келишига кўмаклашгани учун ноқонуний тармоққа 15 мингдан 50 минг долларгача пул берганлар.

● Китоб ўқишнинг афзалликлари ҳақида кўп гапирилмоқда ва бу бежиз эмас. Хитойнинг шарқий музофоти — Шандунда барча хизматдаги шахсларга бир йилда 3 тадан 5 тагача китоб мутолаа қилиш мажбурияти юкланган. Китоб эса шунчаки ўқилмаслиги лозим — чуқур таҳлил қилиб берадиган даражада тушуниш талаб қилинади.

29 март — сайлов куни

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ИШИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛИДА

2015 йил 4 март куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси билан ҳамкорликда Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ва комиссиялар ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси, участка сайлов комиссиялари аъзолари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш, уни демократик принциплар асосида ўтказиш участка сайлов комиссияларининг зиммасига катта масъулият юклаши алоҳида таъкидланиб ўтилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида участка сайлов комиссияларининг фаолияти, уларнинг асосий вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, участка сайлов комиссиялари иш фаолиятини ташкил этиш, овоз бериш (муддатидан олдин овоз бериш) жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш, сайлов жараёнида халқаро кузатувчиларнинг ўрни ҳамда сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятига оид масалалар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Семинар-тренингда сўзга чиққанлар томонидан участка сайлов комиссияларининг долзарб вазифалари ҳамда уларнинг фаолияти мустақиллик, қонунийлик, ошкоралик ва адолатлилик каби демократик принциплар асосида ташкил этилиши атрофлича изоҳланди.

— Ушбу тадбир давомида участка сайлов комиссиялари ишини ҳуқуқий асослар асосида самарали ташкил этиш юзасидан кенг маълумотга эга бўлдик, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 82-участка сайлов комиссиясининг раиси К.Шавазов. — Миллий сайлов қонунчилиги, сайловни юксак демократик даражада ташкил қилиш, сайловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳақида ўз билим ва малакамизни янада оширишга муваффақ бўлдик. Олган кўникмаларимизни сайлов участкамиз фаолиятини яхшилашга ҳамда унинг ишини қонун талаблари асосида янада такомиллаштиришга йўналтирамиз.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси экспертлари А.Юлдашев, Г.Исмаилова, Марказий сайлов комиссияси Котибияти бўлим мудири Ғ.Машқуров, 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Ж.Инагамов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Тошкент шаҳар Молия бошқармаси бошлиғи Н.Собиров ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Семинар якунига кўра, сайловни юқори савияда ўтказиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Тадбир иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоблар берилди.

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН МАЖИТОВИЧ УМАРОВНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ



НАРИМОН МАЖИТОВИЧ УМАРОВ

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Мажитович Умаров 1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1974 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-гидрогеолог. Геология-минералогия фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1974 йилда «Гидроингео» илмий текшириш институтида катта техник ходим лавозимидан бошлаб, илмий ишлар бўйича директор муовини лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. У суғорилаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ гидрогеологик прогнозларни ишлаб чиқиш, ер ости сувларидан иқтисодиётда оқилона фойдаланиш йўналишларида тадқиқотлар олиб борди.

1997 — 2009 йилларда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳузуридаги Аналитик назоратга ихтисослашган давлат инспекцияси бошлиғи лавозимида ишлаб, атроф табиий муҳит ҳолатини мониторинг қилишда ягона давлат тизимини ишлаб чиқиш бўйича ишларни бошқарган.

2009 — 2013 йилларда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раиси лавозимида фаолият юритиб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бевосита иштирок этган.

2009 йилдан «Экосан» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамғармасининг бошқаруви раиси, 2013 йилдан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси этиб сайланган. Эгаллаб турган лавозимида давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги «Адолат» СДП депутатлик гуруҳларининг фаолиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиб келмоқда.

2014 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди, 2015 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанднинг отаси. Рафиқаси Х.Хўжаева — Республика онкология илмий маркази шифокори.

2012 йилда Наримон Умаров «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган.

ДАСТУР

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузи юқори даражага кўтарилишига имконият яратган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, ҳуқуқий демократик давлат қуришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада халқимизнинг турмуш даражаси сезиларли даражада ўсди. Давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланиши таъминланди, иқтисодиётимиз узлуксиз ривожланиб, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари чуқурлашиб бормоқда.

Босқичма-босқич амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари, кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалиётга жорий этилиши туфайли мамлакатимизда фуқароларнинг, аввало болалар, аёллар, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланиши, аҳолининг фаровонлиги учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотларни эътироф этиб, юқори баҳолаган ҳолда, биз мамлакатимизнинг янада тараққий этишига ўз ҳиссамизни қўшишга интиламиз ва шу сабабли сайлов кампаниясида ўз Дастуримиз билан иштирок этамиз.

Мазкур дастур ҳамиша социал-демократиянинг асосий қадриятлари ва тамойилларига таяниб келган Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партиясининг дастурий устувор вазифаларидан келиб чиққан.

Инсон манфаатлари — олий қадрият. Биз асосий вазифамизни **«Инсон — мамлакатнинг асосий бойлиги», «Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони», «Адолат — ҳар бир инсон учун»** тамойилларини кенг кўламда жамиятга жорий этишда кўрамиз.

Мазкур принципларни амалга ошириш, шунингдек, ёшидан, миллатидан, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, келиб чиқишидан қатъий назар барчага тенг имкониятлар тақдим этиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш биз учун қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилидир.

Биз сиёсий ислоҳотларнинг янада чуқурлаштирилиши, демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, жамиятда адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги таъминланиши учун бор кучимизни сафарбар этамиз. Биз фуқароларнинг жамиятда кечаётган жараёнларга таъсир кўрсата олишини таъминлайдиган имкониятларни кенгайтириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Биз ҳокимият ва жамият ўртасида самарали ҳамкорликни барпо этиш, ҳокимиятнинг барча даражаларидаги бошқарув вакиллари ҳамда фуқаролар ўртасида очиқ мулоқот ва тўғридан-тўғри муносабатларни барпо этиш тарафдоримиз. Аввало бу вакиллик органларига тегишлидир. Зеро айнан улар долзарб муаммоларни очиқ ва ошкора равишда муҳокама қилиш, уларнинг энг мақбул ечимларини ишлаб чиқиб, тавсия этиш майдони бўлиши лозим.

Шу билан бирга биз бундан буён ҳам бошқарувда очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим масалаларини ечишда қарорларни шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни амалга оширишда жамоат назоратини қўллаш чора-тадбирларини таклиф қиламиз.

Биз қонуности ҳужжатлари ҳажми қисқартирилишига, қонунларнинг мукаммал, юқори сифатли ва барқарорлигига эришишга, уларни кундалик ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини яратишга, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ғоясини татбиқ этилишига ҳаракат қиламиз.

Биз **«кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлмаган жойда қонун ва адолат талаблари бузилиши муқаррар»** деб ҳисоблаймиз ва суд ҳокимияти мустақиллигини, обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга интиламиз. Бу мақсад йўлида судларнинг демократлаштирилиши, холислиги, барча фуқароларга баробарлиги, фаолияти очиқлиги, суд жараёни иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги, адвокатура институти ҳуқуқ ва ваколатларининг янада кенгайтирилишига эришиш устувор вазифамиз бўлиб қолаверади. Бу суд жараёнида холис тортишув ва адолатлиликнинг таъминланишида, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари суд орқали ҳимоя қилинишини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш, хусусан, ички ишлар, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш бу йўналишдаги фаолиятимизнинг мантиқий давоми бўлиши зарур.

Фақат эркин, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини биладиган, қонун ва амалдаги тартиб-қоидаларни ҳурмат қиладиган фуқаро ўзининг конституцион ҳуқуқларидан тўлалигича фойдаланиши мумкин. Бу борада аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқаролик жамияти, давлат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш муҳим вазифалардан саналади.

Иқтисодиётнинг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаш. Биз учун аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қиладиган иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биз аҳоли даромадларининг ошиши иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири, у тўлов қобилиятини кучайтириб, юксак самарали ишлаб чиқаришга рағбатлантиради, бу эса меҳнаткаш ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечиришини таъминлайди, деб ҳисоблаймиз. Инсон капитали мамлакатнинг муҳим миллий бойлигидир ва биз унинг ҳар томонлама кўпайиши ва тараққий этишга йўналтирилган чоратадбирларини ишлаб чиқамиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Шу мақсадда биз ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тарафдоримиз.

Биз учун бизнес — жамият учун зарур бўлган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалиётга жорий қилишнинг энг муҳим шаклидир. Шу сабабли биз давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини кучайтириш, уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш бўйича таклифлар билан чиқамиз.

Мамлакатимиз келажаги — инновацион иқтисодиётда. Янги технологияга асосланган иқтисодиёт давлатимиз қудратини оширади, ижтимоий соҳанинг тараққий этишига хизмат қилади.

Биз давлатнинг мувофиқлаштирувчилик фаолияти иқтисодиётнинг барқарор инновацион тараққиётида муҳим роль ўйнаши керак деб ҳисоблаймиз. Бу ҳолда иқтисодиёт фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига, шунингдек, илғор инновацион тафаккурни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши керак.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг «яшил йўл»га ўтишида давлатнинг етакчилик ролини ошириш тарафдоримиз. Айниқса, зарур инфратузилма яратилишига сармоя киритиш, бошқарувнинг самарали тизими ва хусусий сармоялар ҳамда экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида давлат етакчи роль ўйнаши керак.

Биз энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларни кенг миқёсда жорий этилиши учун курашамиз.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш масалалари доимо диққат-эътиборимизда бўлади. Биз мавжуд муқобил энергия манбаларини комплекс ривожлантириш орқали рақобатбардош энергия бозори яратилишини рағбатлантиришига муҳим аҳамиятга эга масала деб қараймиз.

Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ҳимоя тамойилининг амалда қўлланилиши. Ўзбекистонда «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» тамойилига амал қилган ҳолда олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда биз аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилаш шарти бўлган давлат ижтимоий дастурларини татбиқ этишни давом эттириш тарафдоримиз. Биз ўзимизни анъанавий социал-демократияниң ижтимоий адолат тамойили ва кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат ғоясини қўллаб-қувватлашга қодир куч, деб биламиз.

Бизнинг ишончимиз комил, айни пайтда ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органларининг самарали хатти-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларни босқичма-босқич давом эттириш тарафдоримиз. Хотин-қизларни давлат бошқаруви органларининг барча соҳаларига жалб қилиш, демократик-ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришда иштирок этиш учун хотин-қизларга янада кенг имкониятлар яратилишини таъминлаш биз учун жуда муҳимдир.

Иқтисодиётнинг истиқболдаги талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини мукаммаллаштириш. Мамлакат ва иқтисодиётнинг асосий рақобатбардошлиги кўрсаткичи унинг кадрларида, инсон салоҳиятида намоён бўлади. Шу муносабат билан биз таълим тизимининг янада ривожлантирилиши тарафдоримиз.

Бу соҳада меҳнат бозори эҳтиёжидан келиб чиқиб мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш муҳим вазифа саналади. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли бепул таълим олиш имкониятига эга ва меҳнатига муносиб ҳақ тўланадиган иш топиши, малакали мутахассис бўлиши, имконияти бўлса — ўзининг ишини яратиши зарур.

Биз бор кучимизни олий ўқув юртларнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтириб, уларнинг фан, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, мамлакат таълим тизимининг мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ниятидамиз. Биз фундаментал илм соҳасини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, илм-фан ва таълимга сармоялар, шунингдек янги технологиялар киритиш таклифини берамиз. Бу жараёнда олимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларнинг самарали ижодий фаолиятини яхшилаш муҳим вазифа бўлади.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизими ўқувчиларга долзарб билим ва кўникмаларни сингдириши биз учун жуда муҳим. Бунинг учун таълим стандартлари ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими йўналишлари меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам баҳоланиши керак.

Шунингдек, биз қисқа муддатли хусусий касб таълимини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тарафдоримиз, чунки бу тизим меҳнат ресурсларининг иш берувчи талабларига тез мослашиш имкониятини яратади. Меҳнат билан бандликка кўмаклашувчи расмий ташкилотлар тезлаштирилган таълим ва ишсизларни қайта малакалашга ихтисослашган тизимга айланиши лозим.

Фуқаролик жамияти — демократик тараққиётнинг асоси. Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифаси давлат, ҳокимият, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари — жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, ОАВ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни талаб этади.

Биз ижтимоий тараққиёт дастурларини кенг жамоатчилик иштирокида экспертизадан ўтказиш, биринчи навбатда туман ва шаҳарлар миқёсида жамоатчилик назорати юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш тарафдоримиз. Шу билан бирга биз ижтимоий ахамиятга молик, фуқаролик ташаббусларини ёқлаймиз, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти учун янада қулай шароитлар яратиш ҳамда ҳомийлик фаолиятини кучайтириш тарафдоримиз. Бизнинг диққат марказимизда ННТларнинг соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида муаммоларни ҳал қилишдаги иштироки бўлади.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш, аҳолининг маънавий юксалиши ва моддий фаровонлиги ортиши учун биз ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг, жумладан маҳаллаларнинг тараққий этиши тарафдоримиз. Маҳалла — фуқаролик жамияти томон асосий йўлдир.

Биз давлат ҳокимиятининг қатор ваколатларини ноёб ижтимоий тузилма бўлган маҳаллага ўтказиш тарафдоримиз. Бу маҳалла аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда аниқ марказга айланишига олиб келади. Биз учун маҳалланинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида иштироки кучайиши муҳим.

Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва эркинлигини янада кучайтириш ҳам бизнинг устувор вазифаларимиздан. Олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда ОАВнинг фаоллигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда унинг ролини кучайтириш, моддий-техник базасини янгилаш, уни технологик модернизация қилиш, журналист касби нуфузини ошириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бизнинг доимий диққат-эътиборимиздаги масалалардир.

Социал-демократиянинг шиорларидан бири — бирдамликдир. Бизнинг мамлакатимизда асрлардан буён турли миллат ва элатлар ёнма-ён, бир ёқадан бош чиқариб яшаб келган. Бизнинг мақсадимиз — уларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлантиришдан иборат. Шу муносабат билан биз бундан кейин ҳам мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро муносабатларнинг янада кучайиши ва уйғун ривожланиши тарафдоримиз.

Ташқи сиёсат: миллий манфаатлар устуворлиги. Биз Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тинчликсевар ташқи сиёсат тарафдоримиз. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграцияси янада чуқурлашиши, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштироки кучайиши долзарб вазифалар бўлиб қолмоқда. Биз бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг халқаро майдонда нуфузини янада оширишга, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

Биз яқин қўшни давлатлар билан муносабатда минтақамиздаги барча муҳим сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, конструктив мулоқот ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ҳал этиш тарафдоримиз.

«ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

М. Носирнинг қайд этишича, бўлажак сайлов республикада тараққиётга эришиш ҳамда мамлакат фаровонлиги учун кенг қамровли ўзгаришларни давом эттириш йўлида рағбат бўлиб хизмат қилади ва Ўзбекистон ҳаётидаги ушбу муҳим тадбир ўз Ватанининг порлоқ келажаги учун барча фуқароларнинг бирдам бўлишига даъват этилгандир.

Индонезия Республикаси Бош сайлов комиссияси раиси Ҳусни Маникнинг ишонч билан таъкидлашича, «Сайловлар ўтказиш бўйича Ўзбекистон тажрибаси дунёдаги энг демократик андозалардан биридир, сайловчиларнинг умумийлик, тенг ҳуқуқлилик асосидаги яширин овоз беришда тўғридан-тўғри иштирок этишлари мазкур андозанинг асосий тамойиллари ҳисобланади».

Сингапур менежментни ривожлантириш институти бош котиби Раманатан Тейвендран кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг йиллик ўсиши барқарор равишда 8 фоиздан зиёд кўрсаткични ташкил қилаётгани диққатга молик жиҳат эканлигини қайд этди. Ҳатто жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам Ўзбекистон барча қийинчиликларни ишонч билан енгиб ўтгани ҳолда, ўсишнинг барқарор суръатларини ҳамда пул қадрсизланиши ва ишсизликнинг аввалги даражасини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Унинг фикрича, бу тараққиётнинг «ўзбек модели» номи билан бутун дунёда ўз эътирофини топган, ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг самарали ҳамда яшовчанлигини, бундан кейин ҳам изчил тараққий топиш учун улкан салоҳиятнинг мавжуд эканини тасдиқлайди.

Сайлов тизими халқаро экспертлик маркази президенти Александр Цинкер сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунчилик ҳужжатларига фуқаролар ҳамда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида эркин ва фаол иштирок этишини таъминлайдиган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилганига эътибор қаратди.

«Мазкур ислоҳотлар ҳокимиятнинг ягона манбаи сифатида халқнинг сайлов ҳуқуқи ҳаётга тўла татбиқ этилишини кафолатлайди. Уларнинг самарадорлиги 2014 йили бўлиб ўтган парламент сайловлари чоғида яққол намоён бўлгани баробарида, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг адолатлилик, очиқлик ва шаффофлик муҳитида муваффақиятли ўтишига замин яратди», деди А. Цинкер.

Шу билан бирга, рақобат асосидаги кўппартиявийлик тизимини шакллантириш, эркин оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, парламентаризм институтини кучайтириш, унинг ваколатларини кенгайтириш ҳамда сайлов тизимини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси жаҳон экспертлар ҳамжамияти томонидан атрофлича ўрганилмоқда. Ўзбекистоннинг замонавий сайлов тизими энг юксак халқаро демократия мезонларига мос эканлиги хорижий давлатлар илмий-академик доираларининг кўпгина вакиллари томонидан эътироф этилмоқда.

Маъмурий фанлар халқаро институти (Бельгия) Бош директори Роле Лоретаннинг таъкидлашича, олдинда турган сайловларда мамлакатда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялардан номзодлар қатнашмоқда, уларнинг дастурлари аҳоли турли қатламлари манфаатларини қамраб олган. «Бу сайловчиларга Ватан келажаги бўйича ўз нуқтаи назарини билдирган у ёки бу номзодни танлаб овоз бериш имконияти берилганини англатади. Ана шундай имкониятнинг мавжудлиги халқ хоҳиш-иродаси эркин ифода этилишининг муҳим мезонларидан бири бўлиб, у давлатнинг яхлитлигини мустаҳкамлашга ҳамда унинг демократия йўлида янада муваффақиятли илдамлашига кўмаклашади», деди Р. Лоретан.

Халқаро муносабатлар институти директори (Греция) Андреас Андрианопулоснинг қайд этишича, мамлакатимиз улкан иқтисодий салоҳиятга эга, шу боис бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатлари Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилмоқда. Умумжаҳон иқтисодиётидаги салбий ҳолатларга қарамасдан, республика изчил ривожланаётгани эса танланган йўлнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

«JMH Group» эксперт ташкилотининг ҳукумат ишлари бўйича вице-президенти Чарльз Йессаиан мамлакатимиз тарихан қисқа даврда давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ижтимоий институтлар ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш борасида салмоқли ўсишга эришганини таъкидлади. Унинг фикрича, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, аҳолининг фуқаро сифатидаги фаоллиги, уларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси ошгани ва ёшлар катта интеллектуал салоҳиятга эга эканлиги мамлакатда барқарорликнинг сақланиши ҳамда давлатнинг янада гуллаб-яшнаши кафолати ҳисобланади.

Анхел Аял номидаги Ижтимоий фанлар институти (Испания) профессори Антонио Альонсо қайд этганидек, демократия — давом этадиган, ҳар бир давлатда миллий ўзига хосликлар ҳисобга олинган ҳолда ривожланадиган жараён ҳисобланадики, уни четдан тўғридан-тўғри кўчириш имконсиздир. Ўзбекистон аввалбошданоқ бу қонуниятни тўла англаб етди ва ўзининг оқилона тараққиёт моделини танлаб олди.

«Сапиенза» Рим университетининг (Италия) ҳуқуқ бўйича профессори Тито Марчи таъкидлаганидек:

— Ўзбекистон йил сайин жадал ривожланиб бормоқда. Республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз натижаларини бераяпти. Шу жумладан, мамлакатда сайлов соҳасида ҳам кўплаб ижобий қадамлар ташланди, ривожланган сайлов тизими шакллантирилди ва у бугунги кунда амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидаёқ ўзи белгилаб олган «ўзбек модели»нинг асосий тамойилларига оғишмай амал қилиб келаётир. Унинг асосидаги босқичма-босқич ривожланиш замонавий шарт-шароитларда универсал эканлигини намойиш қилди ҳамда халқаро миқёсда эътирофини топди.

Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё институти эксперти Чжан Нин Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги макроиқтисодий барқарорлик сақланишини таъминлайдиган етакчи давлат эканлигини айтди. Хитойлик мутахассиснинг ҳисоблашича, мамлакатимиз эришган муваффақиятларнинг асоси чуқур ўйланган тизимли ўзгартишлар ва иқтисодиётни диверсификациялаш стратегиясининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши билан боғлиқдир.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишини таҳлил этар экан, **«Pathfinder Trade and Investment» (Буюк Британия) компанияси раиси Майкл Томас** қуйидаги фикрларини баён этди:

— Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун имкониятлар нуқтаи назаридан Ўзбекистон ноёб ҳамда истиқболли мамлакат ҳисобланади. Республика қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт сингари соҳаларда улкан салоҳиятга эга. Бюджет, молия-банк ва кредит тизими, иқтисодиётнинг реал жабҳаларини барча чоралар билан қўллаб-қувватлаш бўйича ислоҳотлар ижобий натижаларини бермоқда. Ички ҳамда ташқи бозорда рақобатбардошликни ошириш мақсадида мамлакатда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва уни технологик жиҳатдан янгилаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

AESMA компаниясининг (Франция) «Евроосиё» лойиҳалари бўйича директори Матье Булег ҳам Ўзбекистонда соғлом бозор муносабатларининг ҳамда ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик модернизациялашнинг асосларини яратишга йўналтирилган кенг қамровли ишлар амалга оширилганини эътироф этди. Франциялик ишбилармоннинг фикрича, янги автомобиль ва темир йўлларининг барпо қилиниши, фойдаланилаётган транспорт йўлакларининг қайта қурилиши, юк ҳамда йўловчи ташиш самарадорлигининг оширилгани мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан ўзаро савдо алоқалари кўлами кенгайишига кўмаклашмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон янги чўққиларни забт этган ва жамиятдаги сиёсий бирдамликни асраган ҳолда, ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидан ишонч билан олдинга интилмоқда. Ўзбек халқи бирдамликда ҳамда кўтаринки руҳ билан ўз мамлакатининг янада тараққий топиши ва гуллаб-яшнаши мақсадида танлаб олинган ривожланиш йўлини қўллаб-қувватлаяпти.

Юқорида тилга олинган масалалар юзасидан халқаро ҳамжамият вакилларининг холис баҳолари эса мамлакатимизнинг обрў-эътибори ошиб бораётгани ҳамда унинг муваффақиятлари умумжаҳон миқёсида эътироф этилаётганидан далолат беради. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ўз олдига қўйган эзгу мақсадларга эришиши учун зарур салоҳият ва заҳирага эга эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

«Жаҳон» АА.

ЁШ ОЛИМЛАР УЧУН ЎҚУВ КУРСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институтида мамлакатимиз талабалари, магистр ва ёш тадқиқотчилари учун рентген кристаллографияси бўйича доимий ўқув курсларининг иккинчи босқичи бошланди.

Курслар Биоорганик кимё институти қошидаги ноёб илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш маркази базасида ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Шавкат Солиҳов, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Криста Пиккат ва бошқалар янги авлод олимларни тарбиялаш илм-фан тараққиётининг муҳим шарти эканини таъкидлади. Ўзбекистонда шундан келиб чиққан ҳолда олий таълим сифатини янада ошириш, уни илм-фан билан интеграциялаштириш, олий ўқув юртлари ва илмий институтларни энг замонавий ускуна ва технологик воситалар билан жиҳозлаш, бу борада халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Кристаллография, яъни кристаллар ҳақидаги фан Ўзбекистонда жадал ривожланиб бораётган илм-фан йўналишларидан биридир. Кейинги бир неча ўн йил давомида мамлакатимизда жаҳон миқёсида илм-фаннинг ушбу соҳасини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётган бир гуруҳ кристаллограф олимлар етишиб чиқди.

Кейинги авлод илмий ходимлари – бакалаврлар, магистрлар ва ёш тадқиқотчилар ушбу курсларнинг тингловчиларидир. Уч босқичдан иборат мазкур тренингнинг ўтказилган дастлабки босқичида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология ва Тошкент фармацевтика институтлари талабалари иштирок этди.

– Тренинг давомида ўзаро тажриба алмашдик, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент фармацевтика институти талабаси Юлдуз Арслонова. – Биз турли материяларнинг таркиби ва тузилишини уч ўлчамли форматда ўрганишга ёрдам берадиган ноёб ва замонавий ускуналарда ишлаш имкониятига эга бўлдик. Бундай техник янгиликлар тадқиқотчилар учун катта имкониятлар яратади.

– Ўқув курси давомида биргаликда бир қанча илмий тажриба ўтказдик, – дейди Ўзбекистон Миллий университети талабаси Жамолиддин Жўраев. – Бу ерда тўплаган тажрибамни ўз тадқиқотларимда қўллайман.

Иккинчи босқичда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Бухоро, Наманган давлат университетлари ва пойтахтимиздаги қатор олий ўқув юртлари магистрантлари қатнашмоқда. Учинчи босқич Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг ёш олимлари учун мўлжалланган.

Бобур ОБИДОВ

АЁЛЛАРГА КЕНГ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника воситалари мамлакатимиз ташқарисида ҳам харидоргир бўлиб бормоқда. Турли хил электр маиший техника маҳсулотлари қатор МДҲ давлатларига экспорт қилинмоқда.

Бунинг самарасида мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, янги турдаги юқори технологик маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўймоқда. Яқинда «Zenith Electronics» қўшма корхонасида енгил ёруғлик диоди асосида ўзини ўзи бошқарадиган экранли «D-LED» телевизион қабул қилиш мосламасини тайёрлаш ўзлаштирилди. «Martensit Investment» қўшма корхонасида эса маиший техника, шунингдек, электр печлар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

«Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, 2015 йилда мамлакатимиз корхоналарида янги русумдаги 24, 32,42 дюймли TV LED телевизорларини ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Йилига 107,1 мингта шундай телевизор ишлаб чиқарилади. «Oniks Tashkent» масъулияти чекланган жамиятида натрий-кальций шишасидан буюм ва идишлар, маиший ёритгичлар ишлаб чиқариш режалаштирилаётир. Жорий йилда «Sino Eko Plast» масъулияти чекланган жамиятида яхна ичимликлар, ҳаво ҳарорати ва намлигини ўзгартирадиган двигатель ҳамда мосламали вентилятор билан жиҳозланган ҳавони шамоллатиш қурилмалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. «Thermo Water Electric» масъулияти чекланган жамиятида эса электр сув иситгичлар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган бундай маиший техника воситаларини махсус дўконлар, бозорлар, юқори технологияли техника воситаларини сотиш бўйича мунтазам фаолият кўрсатадиган ярмаркалардан харид қилса бўлади.

Шуниси эътиборлики, маиший техника воситаларини онлайн режимда сотиш ҳам йўлга қўйилган. Масалан, www.artelmarket.uz сайтида кенг турдаги маиший техника воситалари тақдим этилган. Уйдан чиқмасдан туриб, ушбу сайт орқали буюртма бериш ва товар етказиб берилгач, унинг ҳақини тўлаш мумкин.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда аёлларимиз учун оила ва рўзғор юмушларини тез ва осон бажариш, ўзи ҳамда яқинларига кўпроқ вақт ажратишга ёрдам берадиган маиший техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса аёлларимизнинг ҳаётдан мамнун ҳолда бахтиёр умр кечириши учун хизмат қилади.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири
Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

Наврўз — 2015

Ўлкамизга янгиланиш ва яшариш фасли бўлмиш баҳор кириб келди. Кунлар исиб, дарахтлар уйғониб, атроф эса яшилликка бурканишни бошлади. Ҳаммамизга яхши аёнки, ушбу фасл миллатимизда ўзгача бир руҳ ва иштиёқ билан кутиб олинади. 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами ҳамда умумхалқ байрамимиз бўлган Наврўз айёмининг айнан шу фаслда нишонланиши баҳорнинг янада кўтаринки кайфиятда ўтишига ҳисса қўшади.



Отабек Мирсоатов олган сурат

БАЙРАМ САВДО ЯРМАРКАЛАРИДАН АҲОЛИ МАМНУН

Юртимизда Наврўзи оламга пешвоз чиққан ҳолда турли тадбирлар, ободонлаштириш ишлари, ҳашарлар ташкил этилади. Жорий йилда ҳам бу каби тадбирлар бошлаб юборилган.

Хусусан, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам бундай хайрли ишлар олиб борилмоқда. Шаҳримиз аҳолиси байрамни тўкин дастурхон атрофида ўтказиши ҳамда деҳқон бозорларидаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини барқарор сақланишини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 1 мартидан 5 апрелга қадар барча деҳқон бозорларида кенг турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи «Байрам савдо ярмаркалари» ташкил этилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти томонидан ташкил этилган савдо ярмаркаларига Тошкент шаҳридаги йирик савдо корхоналари ва супермаркетлар ҳам жалб этилган.

Ушбу ярмаркаларда кундалик рўзғор ва байрам дастурхони учун зарур бўлган барча турдаги сифатли озиқ-овқатлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини арзон нархларда банк пластик карточкалари орқали ҳам харид қилиш мумкин. Бу ҳақда бозорларда радиоэълонлар ўқиб эшиттирилмоқда.

– Байрамолди ташкил этилган савдо ярмаркалари биз, аҳолига кўпгина қулайликларни яратди, – дейди харидор Иброҳим Норов. – Яқинда Халқаро хотин-қизлар куни байрамини нишонлаймиз. Байрам дастурхони учун мева-чева, ширинликлар ва гўшт маҳсулотларини харид қилгани бозорга тушгандим. Байрам савдо ярмаркасидан барча керакли маҳсулотларни ҳам арзон, ҳам банк пластик карточкалари орқали харид қилдим. Юртимизда аҳоли фаровонлиги, одамларнинг яхши яшаши учун кўплаб ишлар амалга оширилаётир. Мана бундай савдо ярмаркаларининг ташкил этилгани шу йўлдаги хайрли ишлардан биридир.

Байрам савдо ярмаркаларининг дастлабки уч кунида 120 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари арзон нархларда сотилди. «Авиасозлар», «Фарҳод» ва «Эски Жува» деҳқон бозорларидаги савдо ярмаркаларида айниқса аҳоли гавжум бўлмоқда.

Ярмарка савдоларидан ташқари бозорлар таркибидаги «Элга хизмат» корхоналари, вилоятлардан бозорларга бириктирилган фермер хўжаликлари, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари ҳам байрам савдосига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Абдували СОДИҚОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«Realtor Garant Business» МЧЖ Сизларни ҳамкорликка таклиф этади

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, «Фарҳод» деҳқон бозори ҳудудида жойлашган бинонинг умумий майдони 911 кв.м бўлган 2 қаватли (ертўлали) савдо мажмуасидан иборат.

Таклифлар ҳамда қўшимча маълумотлар билан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Мурожаат учун тел: (93) 379-91-04, (91) 790-73-12.

Лицензия RR 0052

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер олувчилар диққатига!

Фуқаролар ўзининг шахсий мулкида бўлган кўп қаватли уйлардаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Олмазор, Яшнобод, Сергели, Мирзо Улуғбек, Бектемир туманларида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: (+99895) 193-03-13

М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси университет ходими Саидқодир Бурхоновга акаси

Саидакмал БУРХОНОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.







ЎзА олган суратлар

ШОГИРДЛАРИМ ЮТУҒИДАН ФАХРЛАНАМАН

Бадиий гимнастика нафақат спорт тури, балки нафосат ва гўзалликни мужассам этган санъат ҳамдир.

Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийи Талия Абдураманова буни жуда яхши билади. Президентимизнинг фармонига мувофиқ, 2013 йилда у мамлакатимиз маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни соғлом ва баркамол вояга етказишга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан тақдирланган.

Унинг гимнастикага қизиқишига кўпроқ оиладаги соғлом турмуш тарзи, бадиий гимнастика билан шуғулланадиган опаси сабабчи бўлган. Мактабни битиргач, ҳаётини ушбу нафис спорт тури билан боғлаш мақсадида Тошкент давлат жисмоний тарбия институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти)га ўқишга кирди. Мана, 30 йилдирки, бадиий гимнастика бўйича мураббий бўлиб ишлаб келмоқда.

– Очиғини айтсам, ўзимнинг ютуқларимдан кўра шогирдларимнинг муваффақиятидан кўпроқ фахрланаман, – дейди ЎзА мухбирига Т.Абдураманова. – Бугун бор билим ва тажрибамни, куч-ғайратимни халқаро тоифадаги гимнастикачиларни тайёрлашга сарфламоқдаман.

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек хайрли мақсадга эришиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётир. Истиқлол йилларида ўзбекистонлик спортчилар нуфузли халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари билан ёшларимиз ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган ва халқаро андозалар даражасида жиҳозланган замонавий спорт мажмуаларида тажрибали мураббийлар минглаб болаларга маҳорат сирларини ўргатмоқда. Ўсмирлар ва миллий терма жамоаларимиз сафи вилоятлардан етишиб чиқаётган иқтидорли спортчилар билан кенгайиб бормоқда.

Давлатимиз томонидан спортга қаратилаётган улкан эътибор ўз самарасини бераётир. Ўнлаб энг яхши спортчиларимиз халқаро мусобақалар ва турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Жамила Раҳматова, Валерия Давидова, Равиля Фархутдинова каби кўплаб истеъдодли гимнастикачи қизларимиз давлат мукофотларига сазовор бўлди. Яқинда Анастасия Сердюкова Москвада бўлиб ўтган бадиий гимнастика бўйича халқаро турнирда энг яхши гимнастикачилар учлигидан ўрин эгаллади.

– Муваффақиятлар билан қаноатланиб қолмасдан, янада кўпроқ меҳнат қилишимиз, бугунгидан-да юксак марралар сари интилишимиз зарур, – дейди Т.Абдураманова. – Жорий йилда жаҳон чемпионатига қизғин тайёргарлик кўриб, олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини берадиган лицензияга имкон қадар кўпроқ эга бўлиш энг асосий вазифамиздир. Бундан ташқари, бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги ва Осиё чемпионатларида ҳам мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишимиз керак. Мамлакатимизда бадиий гимнастикани янада ривожлантириш борасида қилинаётган улкан ишларга муносиб жавоб бериш учун бор имконият ва салоҳиятимизни сафарбар қилишимиз талаб этилади. Спорт, хусусан, гимнастика инсон саломатлигини мустаҳкамлайди. Айниқса, ёшларни жисмонан тоблайди, уларда мақсад сари қатъий интилиш, ўз кучига ишонч туйғуларини юксалтиради.

Ирина ДОЛЕНКО

НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия заҳираси спорт мактабида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди кубоги учун «Нафосат олами» IV спорт фестивали бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш йўлидаги эзгу ишлар самарасида спортнинг қизларга мос бўлган нафис турлари ҳам жадал ривожланмоқда.

Бунда турли мусобақалар ва спорт фестивалларини ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур спорт фестивали ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Унда икки юз эллик нафар қиз синхрон сузиш, сузиш, сувга сакраш, бадиий ва спорт гимнастикаси, спорт рақси бўйича ўзаро куч синашди.

Фестивалнинг синхрон сузиш баҳсларида А.Морозова, И.Ли, З.Тошхўжаева, Т.Кострева, Н.Расулова, В.Нуштаева ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Синхрон сузиш ва сузиш бўйича ўтган жамоавий баҳсларда 23-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби вакиллари биринчи ўринни эгаллади.

Спорт рақси бўйича ўтказилган мусобақада М.Макаров ва Л.Қўчқорова, А.Раимжонов ва К.Мирзаахмедова, В.Пак ва Ю.Лигай, Д.Ли ва А.Ягфарова жуфтликлари ўз ёш тоифасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ

Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси Осиё чемпионлар лигасидаги дастлабки очкосини қўлга киритди.

«ЛОКОМОТИВ» ДУРАНГ ЎЙНАДИ

«С» гуруҳида ўйнаётган «Локомотив» футбол клуби иккинчи турни ўз майдонида Эроннинг «Фулад Хузистон» жамоасига қарши ўтказди.

Кескин ва муросасиз ўтган учрашувда «темирйўлчи»лар дастлабки дақиқалардан ҳужумкор ўйин намойиш этди. Бу ўйиннинг 6-дақиқасида ўз самарасини берди. Олег Зотеев рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди – 1:0. Аммо 32-дақиқада Мехрдод Жамаатий ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Ўйиннинг қолган дақиқаларида дарвозаларга тўп киритилмади.

«Локомотив» 17 март куни бўлиб ўтадиган учинчи тур баҳсида «Ал-Садд» (Қатар) жамоаси меҳмони бўлади.

Б.АЙТМУРОДОВ

Тошкент давлат юридик университети талабалари ўртасида спортнинг мини-футбол тури бўйича «Камолот кубоги – 2015» мусобақасининг университет босқичи ўтказилди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда спортнинг футбол тури бўйича ўтказиб келинаётган турнирда университетнинг бакалавр ҳамда магистр талабаларидан жами 29 та жамоа иштирок этди ва ўзаро куч синашди.

— Мусобақа талаба-ёшларда жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишни шакллантириш, уларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш, соғлом турмуш муҳити, ватанпарварлик руҳини шакллантириш мақсадида ўтказиб келинмоқда, — дейди «Камолот» ЁИҲ ТДЮУ бошланғич ташкилоти етакчиси Ш. Пўлатов.

Уч кун давом этган муросасиз ўйинлардан сўнг ғолиблар аниқланди. Мусобақа якунларига кўра «Камолот кубоги» бўйича ўтказилган мусобақанинг кўчма кубоги, мутлақ ғолиб «Жиноий-ҳуқуқий фаолият» соҳа мутахассислиги 3-босқич талабалари жамоасига насиб этди.

Мусобақа ғолиблари 1-2-3 даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА

БОКСЧИЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Болгария пойтахти София шаҳрида бокс бўйича анъанавий «Странжа» халқаро турнири ўз ниҳоясига етди. Европа қитъасида 66-бор ўтказилган кўҳна турнирлардан бири ҳисобланган мазкур мусобақада мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари муваффақиятли иштирок этишди.

Финал жангларида 10 та вазн тоифасидан 8 тасида боксчиларимиз олтин медаль учун рингга кўтарилишди. Дастлаб Абдулла Қўчқоров (49 кг) исроиллик Давид Алавердианни 2:1 ҳисобида енган бўлса, Шаҳобиддин Зоиров (52 кг) англиялик боксчи Жек Бейтсон устидан 3:0 ҳисобидаги ишончли ғалабага эришди. Яна бир боксчимиз Муроджон Аҳмадалиев (56 кг) Қозоғистон вакили Жанболат Тилегенулини худди шу ҳисобда мағлубиятга учратди.

Ҳамюртларимиздан Бектемир Меликўзиев (75 кг), Рустам Тўлаганов (91 кг)лар рақибларини мос равишда 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олтин медалларни қўлга киритишди. Баҳодир Жалолов 91 кг. дан оғир вазн тоифасида рингга чиққан қозоғистонлик Қамшибек Кункабаевни биринчи раундда техник нокаутга учратиб, ғалаба қозонди. Фазлиддин Ғойибназаров (64 кг) эса озарбойжонлик Лоренцо Сотомайорга имкониятини бой берган бўлса, 81 кг вазн тоифасида Осиё ўйинлари ва Осиё чемпионати совриндори Элшод Расулов жароҳат олганлиги сабабли рингга чиқмади ва биринчи ўрин болгариялик рақиби Радослав Панталеевга насиб этди.

Халқаро турнир якунига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида энг кўп медаль тўплаган ҳолда биринчи ўринни эгаллади.

Абдулазиз МУСАЕВ

«Камолот»

САРҲИСОБ ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

Пойтахтдаги Ёшлар ижод саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан 2014 йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳамда 2015 йил истиқболли режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ҳаракат Марказий Кенгаши, ҳамкор ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуман давомида Ҳаракат тизимлари томонидан Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилган ишлар ва 2015 йилга мўлжалланган истиқболли режалар ҳақида ОАВ вакилларига атрофлича маълумот берилди.

Анжуманда «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев Ҳаракат тизимлари томонидан 2014 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2015 йилдаги устувор вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Жумладан, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўналишида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан 4 мингга яқин учрашувлар ташкил этилди. Ёшларга оид қонунчилик юзасидан «Камолот» фаоллари томонидан 300 га яқин таклифлар берилди. Сайлов қонунчилигини тушунтириш бўйича тарғибот гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Маънавий-маърифий йўналишда «Камолот кутубхонаси» лойиҳаси доирасида 45 тургаги 221 мингдан ортиқ китоблар чоп этилди. Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича уч босқичли ўқув-семинарлар ва республика Форуми ташкил этилди. Ҳаракат тизимларида фаолият юритувчи раҳбар ва масъул ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида «Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган вазифаларни тизимли ташкил этиш» ўқувининг махсус дастур асосида ўтилиши йўлга қўйилди.

Ёшларнинг «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» танловларида ўтган йил давомида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иштироки 3,5 бараварга ортди. Танлов ғолибларининг 15,7 млрд. сўм имтиёзли кредит олишига тавсияномалар берилди. Спортнинг 12 тури бўйича ташкил этилган лойиҳаларда 2,5 млн.дан ортиқ ёшлар (шундан 552 мингдан ортиғи қизлар) қатнашди. Қатор янги лойиҳалар доирасида барча туман ва шаҳарларда мунтазам фаолият олиб борадиган кўнгилли ёшлардан иборат соғлом турмуш тарғиботчилари шакллантирилди.

Анжуманда таъкидланганидек, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида Ҳаракат томонидан республикамизнинг барча таълим муассасаларида 120 минг нафардан ортиқ ёшлардан иборат 12 мингга яқин «Нуронийлар эъзозимизда» ёшлар патронаж гуруҳларини ташкил этиш белгиланган. Мазкур гуруҳлар ҳудудларда истиқомат қилувчи 10 мингдан зиёд уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, 30 мингга яқин ёлғиз қариялар ва ногирон кексалар ҳолидан мунтазам равишда хабар олишиб, уларнинг кундалик юмушларига кўмаклашишади.

Тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти ҳамда йирик лойиҳаларининг айрим томонлари акс этган «Камолот» билан ҳаракатдамиз» фотокўргазмаси, шунингдек, «Камолот» кутубхонаси» туркуми остида чоп этилаётган маънавиятимизнинг юксалишига хизмат қилувчи китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан фаол ёш оилаларга «Камолот» уйларини олиш ҳуқуқини берувчи тавсияномаларни топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«PRIVILEGIUM» адвокатлар ҳайъати ҳайъат аъзолари умумий йиғилишининг 2015 йил 4 мартдаги 1-сонли қарорига асосан ўз фаолиятининг давом эттирилишини маълум қилади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **6 март** куни ҳаво ўзгариб туради, кунниг иккинчи ярмида ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан ғарбга томон секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5, кундузи — 13-15 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **6 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ